*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

№ 240 (20. 208) • 1988 йил 19 октябрь • чоршанба  Баҳоси 3 тийин.

● **АЗИЗ ПАХТАКОРЛАР:** Сизларнинг машаққатли меҳнатингиз билан яратилган «оқ олтин» ҳосилининг бир қисми ҳали далада. Уни тез ва соз териб олиш учун мавжуд имкониятларни ишга солайлик!

● **ДАЛА ГВАРДИЯЧИЛАРИ:** Ҳосил сифатини бузмаган ҳолда қисқа вақтда саранжомлаб олишни таъминлаш Сизларнинг тажрибангиз, маҳоратингизга боғлиқ. Барча терим техникасининг далага тўла олиб чиқилиши ва юксак унум билан ишлашига эришинг!

● **ТЕРИМЧИ ВА ҲАШАРЧИЛАР:** Яхши ният билан этак боғлаб далага чиққан ҳар бир киши ғайрат билан ишласа пахта тайёрлаш суръати ошиб, хирмонларимизнинг тезроқ юксалиши таъминланади.

● **САВДО, МЕДИЦИНА, МАИШИЙ ХИЗМАТ ХОДИМЛАРИ:** Бугун Сизларнинг ўрнингиз — ҳосил тақдири ҳал бўлаётган пахтазордадир! Дала меҳнаткашларига мададкор бўлинг!

## БРАЗИЛИЯ ПРЕЗИДЕНТИ МОСКВАГА КЕЛДИ

СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан Бразилия Федератив Республикасининг президенти Жозе Сарней 17 октябрь куни расмий визит билан Москвага келди.

Внуково аэродромида Ж. Сарней ва унинг рафиқасини КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Лукьянов рафиқаси билан, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

* * *

Катта Кремль саройининг Георгий залида бразилиялик меҳмонни кутиб олиш маросими бўлди.

Ж. Сарней ва унинг рафиқасини КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачев рафиқаси билан самимий саломлашиб кутиб олдилар.

Кутиб олиш маросимидан кейин М. С. Горбачев билан Ж. Сарней ўртасида қисқача суҳбат бўлиб ўтди.

Кечқурун Ж. Сарней ва унинг рафиқаси Кремлнинг Съездлар саройидаги спектаклни норасмий тарзда томоша қилдилар. Улар Л. Минкуснинг «Дон Кихот» балетини кўрдилар.

А. И. Лукьянов рафиқаси билан, бошқа расмий кишилар ҳукумат ложасида меҳмонлар билан бўлдилар.

(ТАСС).

## М. С. Горбачев билан Ж. Сарней Кремлда сайр қилдилар

Катта Кремль саройининг Георгий залидаги учрашув тантанали маросими тугагач, М. С. Горбачев рафиқаси билан ва Жозе Сарней рафиқаси билан 17 октябрь кечқурун Москва Кремлида салкам бир соат сайр қилиб юрдилар. Улар СССР Олий Советининг биносини, шунингдек шох-қўнғироқни ва шох-тўпни, буюк Иван қўнғироқхонасини, Кремлнинг диққатга сазовор бошқа жойларини кўздан кечирдилар, Успенский соборида бўлдилар.

Кремлнинг собор майдонида икки мамлакат раҳбарларини врачлар Бутуниттифоқ съездининг ҳозиргина биринчи иш кунини тугаллаган делегатлари табриклаб кутиб олдилар.

**М. С. Горбачев.** Салом, делегат ўртоқлар, биз сизларнинг ҳузурингизга боряпмиз. (Жонланиш).

**Овоз.** Сизлар билан кўришганимиздан хурсандмиз.

**М. С. Горбачев.** Меҳмонимиз — Бразилия президенти Сарней жаноблари ва унинг рафиқасини сизга таништирмоқчиман.

**Ж. Сарней.** Мен сизлар орқали бутун совет халқи билан саломлашмоқчиман.

**Овозлар.** Раҳмат.

**Ж. Сарней.** Бутун жаҳонга машҳур бўлган, тинчлик йўлида жуда кўп иш қилаётган Горбачев жаноблари билан бу ерда бирга бўлишни ўзимиз учун катта бахт, деб биламиз.

Михаил Сергеевич кулиб, бундай деди: ҳозир бизда бундай сўзларни айтиш одат эмас. (Жонланиш). Бизда ҳозир ўз-ўзини танқид кўпроқ расм бўлган. Аммо меҳмон хоҳлаганини гапириши мумкин. Съезд сизларга ёқяптими, ўртоқлар?

**Овоз:** Ҳа. Съезд ишчан, мазмунли ўтяпти.

**Овоз.** Уни аллақачон ўтказиш керак эди, бизнинг фикрлашиб оладиган масалаларимиз кўп.

**М. С. Горбачев.** Демак, моҳиятли гаплар бўлаётган эканда? Булар — врачлар, Сарней жаноблари. Москвада врачларнинг съезди бошланди, унда бутун мамлакатдан келган врачлар иштирок этмоқдалар.

Биз президент жаноблари билан актив хат ёзишиб турар эдик. Бир-биримизни фақат бугун, бир неча дақиқа муқаддамгина кўрдик. Мен сизга айтсам, ёзишма бир-биримизни тасаввур этишга, бир-биримизнинг ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатимизни тасаввур этишга ёрдам берди. Сарней жаноблари ҳозирги Бразилияда турмушнинг барча соҳаларида рўй бераётган бугунги тараққиётнинг тимсоли эканлиги туфайли мен президент жанобларини ва унинг рафиқасини сизларнинг ҳузурингизда табрикламоқчиман. Сизни Бразилия конституцияси қабул этилиши билан гражданларимиз билан бирга табриклайман. Бразилия — буюк мамлакат, буюк халқ. Биз сизларга янги-янги зафарлар тилаймиз. Қолган гапларни врачларнинг иштирокисиз гаплашиб оламиз. (Кулги).

**Ж. Сарней.** Биз Бразилия билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларда янги чегаралар очаётганимизни чуқур сезиб турибман. Халқлар ўртасидаги масофа баъзан яқинлашиш учун ўзига хос қизиқиш туғдиради. Биз коинотга шитоб билан учиб бораётган ва ер деб аталган битта кеманинг пассажирларимиз.

**М. С. Горбачев.** Бизнинг олдимизда шунчаки президент эмас, айни вақтда Бразилиянинг таниқли ёзувчиларидан бири тургани дарҳол сезиляпти. (Жонланиш).

**Ж. Сарней.** Мен сизларга бразил халқининг дўстлик туйғуларини келтирдим.

**М. С. Горбачев.** Қўлингизни беринг Сарней жаноблари.

**Ж. Сарней.** Айни мана шу дўстлик ҳис-туйғуларини мен президентингиз Горбачев жаноблари ҳозирлигида сизларга қолдирмоқчиман.

**М. С. Горбачев.** Омон бўлинглар ўртоқлар.

**Ж. Сарней.** Хайр.

**М. С. Горбачев.** Мана шу — Собор майдони.

**Ж. Сарней.** Нақадар гўзал, кенглик ҳисси ва тарих туйғуси сезилиб турибди. Мен Бразилияда доимо миллатлар камида уч зотга муҳтождирлар, деб айтаман: ўтмиш ҳақида гапириш учун тарихчилар, ҳозирги кун ҳақида гапириш учун биз сиёсатчилар ва келажак ҳақида ўйлаб, орзу қилиш учун шоирлар керак.

**М. С. Горбачев.** КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми, ҳукумат шу ерда ишлайди. Бу ер — мамлакатнинг сиёсий маркази. Шу сабабли: «Кремлдагилар нима деб ўйлашяпти» дейишганда, тўғри айтишади. (Жонланиш, кулги).

**Ж. Сарней.** Горбачев жаноблари, бу сайл учун кўпдан-кўп раҳмат. Биз тарих нафасини ва ҳозирги кун қудратини ҳис этдик. Бу — жуда яхши бўлди. Биз СССРга визитни жуда муҳим, деб ҳисоблаётганимизни шу мавриддан фойдаланиб айтиб ўтмоқчиман. Биз ҳатто Совет Иттифоқига визит тўғрисида махсус медаль чиқариш тўғрисида кўрсатма бердик. Мен Совет Иттифоқи ва Бразилия герблари тасвирланган шу медални сизга топширмоқчиман.

**М. С. Горбачев.** Бу — жуда қизиқарли ғоя ва қизиқарли тасвир. Ташаккур, президент жаноблари.

(ТАСС).

## КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

17 октябрь куни КПСС Марказий Комитетида М. С. Горбачев раислигида сиёсий системани ислоҳ қилиш билан боғлиқ бўлган таклифларни тайёрлаш учун КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил июль Пленуми тузган комиссиянинг мажлиси бўлди. Комиссия СССР Конституциясига ва СССР халқ депутатларини сайлаш тўғрисидаги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳаларини кўриб чиқди. Қонун лойиҳалари устидаги иш қандай бораётганлиги ҳақида СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Лукьянов ахборот берди. У комиссия аъзоларининг мазкур ҳужжатлар устидаги ишнинг аввалги босқичларида айтган мулоҳазалари ва таклифларини кўриб чиқишга алоҳида эътибор берди.

Мажлисда ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари В. И. Мироненко, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари В. В. Карпов, КПСС Краснодар ўлка комитетининг биринчи секретари И. К. Полозков, СССР Халқ контроли комитетининг раиси С. И. Манякин, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитетининг раиси Б. К. Пуго, КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари Ю. Ф. Соловьев, Украина Компартияси Львов область комитетининг биринчи секретари Я. П. Погребняк, «Известия» газетасининг бош редактори И. Д. Лаптев, 1-«Мосстрой» трести комплекс бригадасининг бошлиғи В. А. Затворницкий, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А.-Р. Х. Везиров, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти Е. П. Велихов, СССР Фанлар академиясининг президенти Г. И. Марчук, Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари С. Г. Арутюнян, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Е. Е. Соколов, «Кировский завод» ишлаб чиқариш бирлашмаси конструкторлик бюросининг бош конструктори Н. С. Попов сўзга чиқдилар.

Муҳокамани М. С. Горбачев якунлади.

Комиссия тақдим этилган қонун лойиҳаларини кўриб чиқиб, улар КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясининг қарорларига мувофиқ эканини, сиёсий система ислоҳотини амалда рўёбга чиқариш ва жамиятдаги демократиялаш жараёнларини янада ривожлантириш учун имконият яратиб беришини қайд этди. Комиссия қонун лойиҳалари тўлдирилиб, охирига етказилгач, уларни умумхалқ муҳокамаси учун яқин кунларда эълон қилиш керак, деган фикрни билдирди.

(ТАСС).

## ТАСС ахбороти

18 октябрь куни Москва вақти билан соат 6 дан 40 минут ўтганда Совет Иттифоқида Семипалатинск районы полигонида 20 килотоннагача қувватга эга бўлган ер ости ядро портлатиши ўтказилди.

Синов районы ва полигон ташқарисидаги радиацион вазият нормал ҳолатдадир.

### СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

СССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Владимир Иванович **Шимко** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан уни СССР радио саноати министри вазифасидан озод қилди.



# БУТУН КУЧ—ҲОСИЛНИ ТЕЗ ВА СОЗ ТЕРИБ ОЛИШГА

## «ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 18 октябрга бўлган

**МАЪЛУМОТ**

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

| Областлар | Бир кунда | Мавсум бошидан | Шу жумладан машинада терилгани: Бир кунда | Шу жумладан машинада терилгани: Мавсум бошидан |
|---|---|---|---|---|
| Хоразм | 0,96 | 98,07 | 0,71 | 58,78 |
| Тошкент | 0,72 | 97,79 | 0,66 | 102,64 |
| Қашқадарё | 1,48 | 88,73 | 1,15 | 76,36 |
| Бухоро | 2,21 | 87,83 | 1,83 | 69,18 |
| ҚҚАССР | 1,41 | 83,06 | 1,32 | 81,87 |
| Сирдарё | 1,48 | 80,67 | 1,55 | 90,17 |
| Сурхондарё | 1,58 | 78,94 | 1,26 | 91,93 |
| Фарғона | 1,62 | 77,75 | 0,61 | 37,31 |
| Наманган | 1,19 | 76,52 | 0,79 | 53,61 |
| Андижон | 0,96 | 61,02 | 0,33 | 24,97 |
| Самарқанд | 2,07 | 60,16 | 2,35 | 53,58 |
| Республика бўйича: | 1,45 | 79,66 | 1,18 | 68,69 |
| Шу жумладан ингичка толали пахта | | | | |
| Сурхондарё | 1,79 | 89,77 | 2,20 | 152,14 |
| Қашқадарё | 2,23 | 81,33 | 3,67 | 118,32 |
| Наманган | 0,58 | 81,28 | — | — |
| Самарқанд | 3,09 | 63,59 | 2,70 | 29,33 |
| Бухоро | 0,26 | 10,44 | 0,70 | 0,70 |
| Республика бўйича: | 1,85 | 82,83 | 2,69 | 134,70 |



Самарқанд пахта тозалаш заводи коллективи янги ҳосилдан олинган дастлабки тола туркумини Москва области тўқимачиларига юборди. Йил охиригача корхонада 5 минг тонна маҳсулот қайта ишланади ва маҳсулотнинг 70 проценти экспортга жўнатилади. Суратда: «Эталон» ишлаб чиқариш бирлашмаси назоратчилар бригадаси бошлиғи Қутфиддин Файзиев (чапда) билан тайёр маҳсулотлар бўлими бошлиғи Шота Месхидзе иш устида.

Р. Ғафуров фотоси (ЎзТАГ).

● Тошкент области деҳқонлари уруғлик пахта тайёрлаш планини бажардилар. Ҳозиргача областнинг уруғчилик хўжаликлари 21 минг 900 тонна уруғлик пахта тайёрлашди. Об-ҳавонинг қулай келганлиги, пахтакорларнинг фидокорона меҳнати бунга имкон берди. Бу борада Бекобод, Пискент, Чиноз, Оққўрғон, Бўка районларининг хўжаликлари яхши натижага эришдилар.

● Областнинг Оққўрғон райони пахтакорлари куни-кеча ғалаба рапортига имзо чекдилар. Улар мавжуд 19422 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 27 центнердан сифатли хом ашё олдилар.

## Маррага етганлар

Давлат қабул пунктларига 52 минг 600 тоннадан зиёд дурдона топширилди. Районда йиллик планни қисқа муддатларда бажаришда механик-ҳайдовчиларнинг ҳиссаси катта бўлди. Ҳосилнинг 85 проценти «зангори кема»лар бункеридан тўкилди. Мавжуд 380 машинанинг ҳар бири билан 110 тоннадан пахта териб олинди. С. Сегизбоев номли совхоз, Ҳамид Олимжон номли, Охунбобоев номли, «Партия XXII съезди», «Ленинизм» колхозлари бу ғалабага муносиб улуш қўшдилар.

● Хоразм областининг Гурлан райони заршунослари зафар маррасини эгалладилар. Улар она-Ватанга 34 минг 150 тонна «оқ олтин» топширдилар. Етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми юқори сортларга сотилди. Район хўжаликларида кўплаб оилавий пудрат звенолари ташкил этилганлиги йиллик планнинг барвақт бажарилишига имкон берди. Зеро оилавий звеноларнинг анчаси ҳосилдорликда юқори кўрсаткичларга эришди.

● Бувайда райони заршунослари Фарғона областида биринчи бўлиб ғалаба рапортига имзо чекдилар. Она-Ватан хирмонига 42 минг 20 тоннадан зиёд дурдона етказиб берилди. Хом ашёнинг анчагина қисми юқори сортларга қабул қилинди. Райондаги Карл Маркс номли колхоз бу ғалабага муносиб улуш қўшди. Коллектив 1465 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 31 центнердан ҳосил кўтарди. Давлатга жами 5 минг тонна уруғлик пахта етказиб берилди. «Ленинобод» колхозида эса ҳосилдорлик 31,3 центнерни ташкил этди.

*• Кундалик маълумотлар изидан*

## ҚОЛОҚЛИК САБАБИ НИМАДА?

**ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СТАТИСТИКА КОМИТЕТИ ХАБАР ҚИЛАДИ:**

17 октябрга қадар республикамизда 4 миллион 105 803 тонна «оқ олтин» тайёрланди. Шунинг 2 миллион 92819 тоннаси агрегатлар бункеридан тўкилди. Жами тайёрланган пахтанинг 404891 тоннаси ингичка толали пахтадир. Ипак пахтанинг 240263 тоннаси машиналар ёрдамида терилиб, бу борадаги план 132,01 процент қилиб адо этилди.

Республикамиз пахтазорларида улкан хирмон учун кураш якунловчи босқичга кирди. Лекин ҳали далаларда пахта кўп. Кўплаб фидокорлар унинг мисқолини нобуд қилмай ҳаммасини қисқа фурсатда йиғиштириб олиш учун йиғим-теримни жадал давом эттирмоқдалар.

Ҳаракатда—баракат, дейди доно халқимиз. Дарҳақиқат, омилкорлик билан иш юритиб, йиғим-терим конвейерининг бир маромда пишиқ-пухта, самарали ишлаши таъминланган жойларда аллақачон давлат планларигина эмас, балки социалистик мажбуриятлар ҳам бажариб қўйилди. Редакциямизга пахта тайёрлаш планини бажарган хўжаликлар, районлардан келаётган рапортлар оқими тобора кўпайиб бормоқда. Кейинги икки кунда бешта район — Бувайда, Чиноз, Янгийўл, Яккабоғ, Китоб районларидан хушхабар олинди. Бундай пешқадамлар, айниқса, пойтахт Тошкент областида кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг ғайрат-шижоатлари туфайли область заршунослари ғалаба рапортига бугун имзо чекиш арафасида. Белгиланган марранинг барвақт эгалланишида дала гвардиячиларининг муносиб ҳиссаси бор. Улар пайкалларда зарбдорчасига ишлаб, машиналар қудратини яна бир карра намойиш этдилар.

Хоразмлик пахтакорлар ҳам зафар марраси остонасида туришибди. Қашқадарё, Бухоро областлари ва Қорақалпоғистон автоном республикаси деҳқонлари йилни муваффақиятли якунлаб партия, халқ олдида берган ваъдаларини тез орада бажариш учун суръатни бўшаштирмасликка ҳаракат қилишмоқда ва бунга эришишмоқда.

Мўл ва эртаки ҳосил етиштириш ҳамда уни қисқа муддатларда йиғиб-териб олиш учун анча йиллардан бери об-ҳаво бу йилгидек қулай келмаганлиги ҳақида жуда кўп гапирилди.

Дарҳақиқат шундай. Афсуски жойларда шундай қулай шароитдан оқилона фойдаланилмади. Ҳосил эрта етилганлигига қарамай, йиғим-терим мавсумига тайёргарлик ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Айниқса, машина теримига ҳозирлик эътибордан четда қолди.

Фарғона водийси областларида йиғим-теримни механизациялаш даражаси пастлиги ҳақида турли давраларда кўп гапириляпти. Аммо амалий ишда ҳануз ўзгариш сезилмаётир. Фарғона, Наманган, Андижон областларида сўнгги йилларда планларнинг бажарилмаслиги, энг қулай мавсумда ҳам сусткашликка йўл қўйилаётганининг бош сабаби ҳам механизация кучига етарли баҳо берилмаётганида эмасмикан? Масалан, Фарғона областида машина терими плани ҳозиргача 37 процент, Андижон областида эса атиги 25 процент бажарилди, холос. Шунга қарамай, кунлик ўсиш бир процентга ҳам етмаяпти. Натижада учала область пахта тайёрлашда қолоқлар сафида боришаётир.

Илғор районлар, областлар умумий хирмоннинг тезроқ юксалишида асосий роль ўйнаётган бўлсалар, сусткашлик кўрсатаётганлар ўз навбатида ўзларининг ҳам, областнинг ҳам, қолаверса республиканинг илдам одимига тушов бўлишмоқда. Айримлар илгари юз берган қолоқликни таҳлил этиш, камчилик ва нуқсонларни оператив тугаллаб, юқори суръатни таъминлаш ўрнига турли хил «объектив» сабабларни ҳануз рўкач қилиш билан овора бўлишмоқда. Агар шундай бўлмаса, Чуст, Косонсой, Жалолқудуқ, Марҳамат, Қува, Олтиариқ районларида жиддий ўзгариш ясаларди. Ваҳолонки ўтган ҳафтада об-ҳаво теримни тезлатиш учун асосан қулай келди.

Ўтган ҳафтада берилган шундай материалда Жалолқудуқ районида машина терими оқсаётгани танқид қилинган эди. Аммо район партия, совет, хўжалик органлари, хўжаликларнинг раҳбар ва мутахассислари бунга парво ҳам қилишмади. Аксинча етти кунда машина терими планининг атиги 1,79 проценти миқдорида пахта тайёрланди. Марҳаматлик механизаторлар ҳам бу борада қўшниларидан «ўрнак» олишяпти. Улар бир ҳафтада 1,11 процент ўсишга эришиб, «рекорд» қўйишди.

Самарқанд области деҳқонлари бу йил 571 минг тонна пахта тайёрлашга аҳд қилишган. Миришкор пахтакорлар ва мутахассислар даладаги ҳосил зиммага олинган топшириқни бажаришга етади, дейишмоқда. Аммо суръат қониқарли эмас. Областда ҳозиргача йиллик план 60 процентдан ошди. Ҳали биринчи терим ўтказилмаган майдонлар бор. Баъзи жойларда ҳосил кечроқ етилганлиги туфайли дефолиация кечроқ ўтказилди, ҳарорат етишмаслиги оқибатида барг яхши тўкилмай кўплаб майдонларда такрор дефолиация ўтказилди. Ҳозир барглар тўла тушиб, машиналар учун кенг иш фронти очиляпти.

## КИМ НЕЧАНЧИ ЎРИНДА?

Республика районларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 17 октябргача бўлган

**МАЪЛУМОТ**

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — мавсум бошидан буён тайёрланган пахта; учинчи устун — шу жумладан машинада терилган пахта.

**ХОРАЗМ ОБЛАСТИ**

| | | |
|---|---|---|
| Хонқа | 104,54 | 93,33 |
| Янгиариқ | 100,92 | 72,54 |
| Гурлан | 100,02 | 65,19 |
| Урганч | 98,15 | 75,04 |
| Хазорасп | 96,92 | 24,21 |
| Хива | 95,29 | 20,84 |
| Боғот | 94,26 | 41,09 |
| Қўшкўпир | 93,21 | 57,82 |
| Шовот | 91,21 | 48,04 |

**ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ**

| | | |
|---|---|---|
| Ўрта Чирчиқ | 109,01 | 123,75 |
| Коммунистик | 103,98 | 118,40 |
| Янгийўл | 100,96 | 87,70 |
| Чиноз | 100,14 | 92,22 |
| Оққўрғон | 99,05 | 108,70 |
| Бўка | 97,25 | 111,21 |
| Пискент | 94,48 | 87,58 |
| Ғалаба | 91,03 | 108,74 |
| Бекобод | 89,16 | 80,23 |

**ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ**

| | | |
|---|---|---|
| Қамаши | 105,45 | 85,53 |
| Китоб | 100,19 | 64,22 |
| Яккабоғ | 100,17 | 65,10 |
| Ғузор | 94,98 | 57,02 |
| Косон | 94,21 | 105,47 |
| Қарши | 93,87 | 104,07 |
| Муборак | 88,67 | 86,63 |
| Чироқчи | 87,63 | 44,24 |
| Шаҳрисабз | 87,27 | 43,77 |
| Ульянов | 79,48 | 74,75 |
| Нишон | 77,03 | 88,79 |
| Усмон Юсупов | 64,96 | 60,37 |

**БУХОРО ОБЛАСТИ**

| | | |
|---|---|---|
| Свердлов | 96,55 | 81,51 |
| Қоракўл | 92,09 | 78,17 |
| Шофиркон | 90,79 | 47,27 |
| Ғиждувон | 86,95 | 57,96 |
| Ромитан | 84,26 | 65,99 |
| Бухоро | 79,97 | 65,23 |
| Когон | 75,44 | 102,70 |
| Вобкент | 68,08 | 50,00 |

**ҚҚАССР**

| | | |
|---|---|---|
| Амударё | 90,50 | 90,33 |
| Чимбой | 89,72 | 86,56 |
| Қораўзак | 86,37 | 103,01 |
| Тўрткўл | 85,07 | 73,07 |
| Беруний | 83,96 | 74,96 |
| Кегайли | 80,79 | 92,45 |
| Элликқалъа | 80,43 | 70,04 |
| Қўнғирот | 76,01 | 78,66 |
| Хўжайли | 74,44 | 80,85 |
| Шуманай | 71,24 | 74,27 |
| Ленинобод | 62,21 | 65,59 |

**СИРДАРЁ ОБЛАСТИ**

| | | |
|---|---|---|
| Жиззах | 103,64 | 90,12 |
| Зомин | 95,71 | 98,76 |
| Пахтакор | 91,15 | 106,23 |
| Ворошилов | 89,92 | 105,61 |
| Октябрь | 84,33 | 100,15 |
| Ховос | 80,09 | 89,84 |
| Сирдарё | 80,07 | 92,53 |
| Дўстлик | 78,95 | 90,69 |
| Янгиер | 78,00 | 86,27 |
| Мирзачўл | 77,08 | 91,83 |
| Боёвут | 77,01 | 84,11 |
| Ильич | 74,61 | 90,76 |
| Арнасой | 69,23 | 77,01 |
| Гулистон | 67,97 | 78,13 |
| Оқолтин | 56,69 | 62,09 |

**СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ**

| | | |
|---|---|---|
| Шеробод | 89,13 | 119,24 |
| Ленин йўли | 85,52 | 105,47 |
| Бойсун | 79,11 | 119,66 |
| Термиз | 77,93 | 69,35 |
| Олтинсой | 76,76 | 75,11 |
| Ангор | 75,65 | 64,27 |
| Қумқўрғон | 75,40 | 89,77 |
| Сариосиё | 74,96 | 69,16 |
| Денов | 74,77 | 77,36 |
| Гагарин | 73,25 | 97,17 |
| Шўрчи | 73,13 | 82,37 |
| Жарқўрғон | 70,00 | 68,07 |

**ФАРҒОНА ОБЛАСТИ**

| | | |
|---|---|---|
| Бувайда | 98,32 | 35,52 |
| Ленинград | 88,00 | 18,15 |
| Ўзбекистон | 87,30 | 64,77 |
| Фрунзе | 86,68 | 80,63 |
| Киров | 78,75 | 40,84 |
| Тошлоқ | 76,27 | 20,14 |
| Риштон | 75,85 | 56,16 |
| Бағдод | 71,18 | 25,41 |
| Фарғона | 67,62 | 21,22 |
| Охунбобоев | 64,26 | 25,33 |
| Қува | 63,23 | 18,68 |
| Олтиариқ | 61,46 | 26,52 |

**НАМАНГАН ОБЛАСТИ**

| | | |
|---|---|---|
| Наманган | 92,29 | 28,47 |
| Тўрақўрғон | 86,17 | 16,43 |
| Уйчи | 82,68 | 25,32 |
| Учқўрғон | 77,50 | 71,96 |
| Янгиқўрғон | 77,20 | 32,95 |
| Поп | 76,34 | 54,99 |
| Задарё | 75,45 | 65,49 |
| Чуст | 57,38 | 33,19 |
| Косонсой | 48,50 | 49,09 |

**АНДИЖОН ОБЛАСТИ**

| | | |
|---|---|---|
| Балиқчи | 79,41 | 36,84 |
| Москва | 74,11 | 25,68 |
| Пахтаобод | 69,63 | 22,76 |
| Избоскан | 67,08 | 41,90 |
| Олтинкўл | 62,16 | 4,14 |
| Ленин | 61,10 | 8,26 |
| Андижон | 60,80 | 18,43 |
| Комсомолобод | 60,18 | 47,39 |
| Хўжаобод | 54,68 | 6,37 |
| Қўрғонтепа | 46,96 | 29,95 |
| Жалолқудуқ | 39,42 | 7,72 |
| Марҳамат | 37,45 | 4,87 |

**САМАРҚАНД ОБЛАСТИ**

| | | |
|---|---|---|
| Навоий | 81,03 | 100,23 |
| Пахтачи | 72,05 | 66,89 |
| Хатирчи | 68,24 | 63,82 |
| Қизилтепа | 66,82 | 15,04 |
| Каттақўрғон | 61,08 | 51,25 |
| Пайариқ | 54,34 | 49,68 |
| Нарпай | 53,89 | 41,75 |
| Иштихон | 51,20 | 47,33 |
| Пастдарғом | 49,97 | 46,99 |
| Жомбой | 44,43 | 51,79 |
| Оқдарё | 33,56 | 23,08 |

